

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси ва бошқа ўхшаш шартномалардан фарқли жиҳати



Сўнгги пайтларда бошқа соҳалар сингари иқтисодиёт тармоқларида юз бераётган ўзгариш ва кенг кўламли ислохотлар ушбу соҳадаги шартномавий муносабатларнинг ҳам сезиларли даражада ошганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8-моддасига кўра, қонунда назарда тутилган шартнома ва бошқа битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг вужудга келиш асосларидан бири ҳисобланади.

Шартномалар турлари / Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур модданинг биринчи қисми ФК 81-моддасига кўра фуқаролик ҳуқуқининг объектлари ҳисобланган хизматларнинг муомаласини назарда тутди. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачига натижаси ашёвий шаклда бўлмаган хизматни кўрсатади. Натижада ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳеч қандай моддий шакл касб этмайди. Ашёвий шаклнинг мавжуд эмаслиги билан хизматлар пудрат шартномасида амалга ошириладиган ва натиждаси моддий шаклга эга бўлган ишлардан фарқ қилади.

Хизмат кўрсатишнинг моҳияти қуйидаги икки шаклда ифодаланади:

А) маълум ҳаракатларни амалга ошириш. Бунда қоидага кўра бир марталик хусусиятга эга бўлган хизмат кўрсатиш назарда тутилади. Масалан, сартарошлик.

Б) маълум фаолиятни амалга ошириш. Айни вазиятда кўп марталик ёки узоқ муддатга мўлжалланган хизмат кўрсатиш назарда тутилади. Масалан, телефон

алоқаси хизматини кўрсатиш.

Мазкур шартномада тарафлар сифатида буюртмачи ва ижрочи иштирок этади. Буюртмачи – тегишли хизматларни қабул қилувчи шахс, ижрочи эса – хизмат кўрсатувчи шахсдир. Шу билан бирга, қонунчилик айрим хизматларни кўрсатишда чеклашларни ҳам назарда тутмоқда. Масалан, телефон алоқаси хизматларини кўрсатувчи юридик шахсда тегишли фаолият лицензияси бўлиши лозим. Хизмат кўрсатишнинг лицензия талаб қилинадиган турларини фақат махсус фаолият учун лицензияга эга бўлган шахсларгина амалга оширишлари мумкин. Лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати эса “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган бўлиб, бугунги кунда ушбу фаолият турлари 60 тага етди.

Ушбу бобнинг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига татбиқ этилади. Ушбу Кодекснинг 37, 39, 40, 43, 44, 45, 46, 48, 49 ва 51-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустасно.

Бундан ташқари, муҳокама қилинаётган ФК 38-боби билан эмас, балки ФКнинг тегишли бошқа боблари, яъни пудрат шартномаси (37 боб), Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномаси (39-боб), Транспорт экспедицияси (39-боб), Банк омонати шартномаси (43), Банк ҳисоб-варағи шартномаси (44-боб), Ҳисоб-китоблар (45-боб), Топшириқ шартномаси (46-боб), Воситачилик шартномаси (48-боб), Мол-мулкни ишончли бошқариш (49-боб), Омонат сақлаш шартнома (51-боб)лари билан тартибга солинади.

ФК 704-моддасига биноан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни **шахсан ўзи** кўрсатиши шарт. Унга кўра, мазкур қоида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг ўзига хос хусусиятини кўрсатган ҳолда, шартнома бўйича мажбурият учинчи шахс зиммасига юкланиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда, агар тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллар мустасно.

Шунингдек, ФК 705-модда талабига кўра буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт.

Ижрочи ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда буюртмачи ижрочиға унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда ижрочининг хизмат (хизматлар) кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади. Буюртмачининг айби билан

хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

Таъкидлаш жоизки, қонунчиликда турли хизматларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ маълум нормалар мавжуд. Масалан, мобил алоқа хизматини кўрсатиш Қоидаларининг 44-бандига биноан мобил алоқа хизмати учун ҳақ тўлаш нақд пулда ёки нақд пулсиз, шунингдек аванс ёки ҳисоб-китобнинг кредит шаклида амалга оширилиши мумкин.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида ижрочининг айби бўлмаган ҳолда, шунингдек буюртмачининг айбига кўра мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаган ҳолларда хизматга ҳақ тўлаш тартиби белгиланган.

Бунда, агар бажариб бўлмаслик на ижрочи, ва на буюртмачи жавоб бермайдиган ҳолатлар бўйича вужудга келган бўлса, бундай ҳолларда буюртмачи ижрочига унинг хизмат кўрсатиш учун қилган ҳақиқий харажатларини тўлаши лозим. Бунда ижрочининг хизмат кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси бундай харажатлар сирасига кирмайди. Шунингдек, агар бажариб бўлмаслик буюртмачининг айби билан бўлган бўлса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

706-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузганлик учун ижрочининг жавобгарлиги белгиланган бўлиб, ижрочи ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда у келтирилган зарарни буюртмачига батамом тўлаши шарт, лекин бу тўлов шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Яъни, ушбу модданинг биринчи қисмида ижрочи жавобгарлигининг максимал миқдори шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг 2 баробари билан чеклаб қўйилган.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ижрочи мажбуриятини умуман ёки тегишли даражада бажармаган ҳолларда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилгандан кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

706-модданинг иккинчи қисмида ижрочи сифатида тадбиркор жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган бўлиб, унга кўра агар ижрочи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш вақтида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузса, шартномага кўра кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилиши мумкин.

ФК 707-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш тартиби назарда тутилган бўлиб, буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини батамом тўлаш шарти билан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Бунда буюртмачи ва ижрочининг шартнома ва унинг шартларини бажаришни рад этиш ҳуқуқи ҳамда у йўл қўйиладиган шартларни белгилайди. Қайд этиш лозимки, мазкур қоида шартномани бажаришдан бош тортиш, тарафлар томонидан ўз мажбуриятларини бузиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланилади.

Мазкур қоида буюртмачи ижрочига шартномада кўрсатилган хизматларнинг тўлиқ баҳосини тўлаганда, шартномани бекор қилиш ҳуқуқини назарда тутди. Буюртмачи шартномани хизматлар кўрсатилишидан олдин, шунингдек бевосита хизмат кўрсатилаётган вақтда ҳам бекор қилиши мумкин. Бунда шарҳланаётган модда белгиланган баҳони тўлаш жараёнида рад қилиниши мумкинлигини англатмайди.

Ижрочи шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шарти билангина ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

ФК 708-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш деб номланиб, ўхшаш бўлганлиги боис, пудрат тўғрисидаги умумий қоидалар ва маиший пудрат тўғрисидаги қоидалар ушбу бобнинг қоидаларига зид бўлмаса, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига нисбатан қўлланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари кенг тарқалган шартнома турларидан бири бўлиб, бошқа хўжалик шартномаларидан ўзининг натижаси ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажаришдан иборатлиги билан ажралиб туради.

Термиз туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ботиржон Абдуллаев